



Интеллектуал мулк соҳасидаги ислохотлар - давр талаби

Б.И.Бафоев

Судьялар олий мактаби фуқаролик-ҳуқуқий

йўналиши тингловчиси

Аннотация: Бугунги кун дунё ҳамжамиятида янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши, интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларнинг кенг ривожланиши интеллектуал мулкнинг аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Ривожланган кўплаб давлатларда бу соҳага катта эътибор берилиб, мазкур интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишни ҳимоя қилиш, ижодкор (интеллектуал мулк яратувчилар)ларни рағбатлантириб, уларнинг ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади. Чунки, ушбу Европа давлатлари ялпи ички маҳсулотининг 45 фоизини интеллектуал мулк ташкил этади. Бу ҳам иқтисодий ўсиш, ҳам фуқаролар фаровонлигини таъминлашнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатлар бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштирмоқдалар, муаллифлар ва муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ихтисослашган органлар ва институтларни яратмоқдалар.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ҳам бевосита бу соҳага жуда катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, янги технология кўринишлари яратилиши, янгича кашфиётларнинг, ижод намуналарининг яратилиши ва уларнинг жамият ҳаётидаги, мамлакат ривожигаги ўрни тобора ортиб бораётгани, қолаверса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотининг аъзоси бўлиши учун амалга ошираётган сай-



ҳаракатлари ҳам бу соҳани ривожлантириш, ўрганиш, тартибга солиш, энг аввалло ижод аҳли ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазасини таъминлаш бугунги кун долзарб масалаларидан **ҳисобланади**.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунларида интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилган бўлиб, бу энг аввало қабул қилинган янги конституциямизда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун ҳамда бир қатор шу соҳага доир қонунларда ўз аксини топган.

Фуқаролик кодексининг 1040-моддасига кўра интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг [11-моддасида](#) назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин дейилади.

Агар интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.



Бу фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари қайси ҳуқуқларнинг бузилганига қараб қўлланилади, яъни интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлари бузилган ҳуқуқ эгалари ўз хохишларига қараб бузилган ҳуқуқ хусусиятларига қараб мазкур ҳимоя воситаларини танлайдилар. Мазкур тоифадаги ишлар судларимиз томонидан кўриб чиқилмоқда.

Масалан, муаллифлик ҳуқуқи эгаси домен номида ишлатилганда товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни бузганлик учун товон пули ундириш, компьютер дастурининг муаллифлик ҳуқуқи эгаси ундан фойдаланишни тақиқлаш ёки асар муаллифлик ҳуқуқи эгаси ундан фойланишни тақиқлаш каби кўринишдаги ҳимоя усулларида фойдаланиши мумкин.

Шу билан бирга интеллектуал мулкка доир масалалар фақат фуқаролик судлари томонидан эмас, балки иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиб ҳал қилинмоқда.

Бугунги кунда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни бузишга доир муносабатларнинг салмоқли даражада кўпайди. Интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар фуқаролик судларида 2022 йилда 17 та кўрилган бўлса, 2023 йилда 28 та кўриб чиқилган. Ушбу муносабатлари кўриб чиқиб ҳал қилиш учун ягона амалиётнинг мавжуд эмаслиги, бу турдаги низоларнинг кўпайиши натижасида 23.06.2023 йил Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 19-сонли Қарори қабул қилиниши зарурат бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда бутун жаҳонда муаллифлар ва уларнинг ҳуқуқий ворислари манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши натижасида интеллектуал мулк соҳасидаги махсус судларнинг ташкил этилишига сабаб бўлмоқда. Зеро, Инсон ҳуқуқлари умум жаҳон декларациясининг 27-моддасида “Ҳар



ким ўзи муаллиф бўлган илмий, адабий ёки бадий асарлардан келиб чиқадиган маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақлидир” эkanлиги кўрсатилган бўлиб, бу норманинг ижроси ва интеллектуал мулк ҳукуқи эгаларининг ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш учун ҳам бу судларнинг бўлиши жаҳон тажрибасидан исботланган.

Чунки, бу судларнинг ташкил этилишига бир томондан зарурат бор деб ҳисобласак, иккинчи томондан мазкур давлатларнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғиқ дейишимиз мумкин. Аксарият ЖСТга аъзо давлатлар интеллектуал мулк бўйича ихтисослашган судларни ташкил қилишган. Зеро, ТРИПС келишувининг 41-моддасида қайд этилган аъзо бўлган мамлакатлар интеллектуал ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш зарурлиги расман тан олинади дейилади.

Шу билан бирга, санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси раиси Б.Тошевнинг айтганларидек, “Ўзбекистон ЖСТга киришда амалда таъсирча ҳуқуқий ҳимоя тизимини шакллантириш керак ва бевосита фақат ўзининг муаллифларини эмас, балки ЖСТ аъзоларининг муаллифлари, ижрочилари, уларнинг меросхўрлари ва бошқа ҳуқуқ эгалари, интеллектуал мулк объектлари билан савдо қилувчи бошқа субъектларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаши керак”¹.

Қайд этилганлардан келиб хулоса қилиш мумкинки, интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ низоларни кўришга ихтисослашган алоҳида судларни ташкил этилиши, қонунларимизни қайта кўриб чиқишимиз бу - давр талаби бўлиб, натижада низоларни сансалорликларсиз, қисқа муддатларда кўриб чиқилишига, қолаверса қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига замин яратилади.

¹ <https://kun.uz/95958059>.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2023 й
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон
3. Kun.uz сайти